



## ARTICLE INFO

Received: 24<sup>th</sup> December 2022

Accepted: 30<sup>th</sup> December 2022

Online: 31<sup>th</sup> December 2022

## KEY WORDS

COVID-19(SAR-CoV-2 деб номланган янги коронавирус кўзғатган касаллик) ер юзидаги деярли барча давлатларни қамраб олди. Бу инфекцион жараённинг аксарият ҳолларда симптомсиз ёки енгил белгилар билан кечиши COVID-19нинг муҳим омили ҳисобланади. Касалликнинг оғир кечуви хавфи аксарият одамлар организмида мавжуд эмас. Катта ёшлилар, нафас, юрак қон томир ва метаболик тизимида бузилишлари бўлганлар ҳамда иммунодефицит ҳолатдаги одамларда касалликнинг оғир кечиш хавфи юқори бўлади[4].

COVID-19нинг ҳомиладорлик даврида кечиши ҳақида маълумотлар кам бўлсада, яқин кунларгача олимларнинг кузатишлари хулосасига кўра, ҳомиладорликнинг охири муддатларида ушбу касалликнинг оғир кечуви ва янги туғилган чақалоқ учун хавф омили кам даражада эканлиги айтилган эди[3,11,15]. Янги туғилган чақалоқларда вирус аниқланиш ҳолатлари ҳам кам учраган[5,14].

## COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ОНАЛАРНИНГ АҲВОЛИГА НИСБАТАН ЧАҚАЛОҚЛАРНИНГ АҲВОЛИНИ БАҲОЛАШ

Кароматова Фазолат Абдикаххоровна

Абу Али Ибн Сино номидаги

Бухоро Давлат Тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7524752>

## ABSTRACT

*Коронавирус инфекцияси соғлиқни сақлаш тизимида ҳалигача долзарб муаммоларни юзага келтирмоқда. Касалликнинг тез ва кенг тарқалиши амалиёт шифокорлари ҳамда соҳа олимлари учун ўз навбатида қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.*

Аввалроқ ҳомиладор аёлларнинг инфекция билан зарарланиш хавфи умумий аҳолига нисбатан юқори эмас деб ҳисобланган бўлса, бугунги кунга келиб Италия, Хитой ва АҚШда чоп этилган бир қатор илмий мақолаларда COVID-19нинг кечиши аҳолининг бошқа қатламлари билан бир хилда эканлиги таъкидланмоқда. [5,6,7,16]. Ҳомиладор аёлларда COVID-19 билан касалланиш кўрсаткичи популяцияга нисбатан кўпроқ кузатилмақда[9,10,18]. Кўп сонли изланишлар COVID-19 билан касалланган ҳомиладорларда ҳомиладорликнинг турли асоратлар билан кечишини кўрсатяпти. [7, 9, 10].

Ҳозирги кунга қадар COVID-19 билан неонатал инфицирланиш ҳолатлари янги туғилган чақалоқнинг бемор онаси ва бошқа болани парвариш қилувчи шахслар билан контактда бўлганлиги туфайли кузатиляпти деб ҳисобланган. [7,12,13,17]. АҚШнинг (CDC, 2020) касалликларни бошқаруви ва профилактикаси маркази томонидан ҳам SARS-CoV-2нинг онадан ҳомилага юқиш хавфи эҳтимоли жуда паст



эканлигини таъкидлаган эди. Аммо илмий изланишлар (100 000 ҳомиладор аёлни уз ичига олган) натижаси SARS-CoV-2нинг онадан ҳомилага вертикал трансмиссия мумкин эканлигини кўрсатди. COVID-19 позитив ҳолда туғилган чақалоқлар 5,3%ни ташкил этди[8]. SARS-CoV-2 плацентада 12%, киндикда 6%, амнион суюқлигида 5,6%, кўкрак сутида 5,0% вагинал суюқликда 4,6% ҳолларда аниқланган[6]. COVID-19 билан бўлган ҳомиладорларда вақтидан олдин юзага келган туғруқ 4,3-25,0%, презклампсия – 5,9%, бола ташлаш – 14,5%, ҳомила пардасининг муддатидан олдин ёрилиши – 9,2% ва ҳомиланинг ривожланишдан орқада қолиши – 2,8 - 25,0%ни ташкил қилган[5, 6]. Беморларда энг кўп учраган тўғруқдан кейинги асорат туғруқдан кейинги қон кетиш бўлиб, 54,5%ни ташкил этган(6). Ҳомиладор аёлларнинг ярмидан (48-100%) кўпи кесарча кесиш операцияси орқали фарзандини дунёга келтирган. [2,5,6].

Перинотал асоратлар ичида энг кўп ҳомиланинг дисстресс синдроми учраган ва 26,5-30,0%ни ташкил этган. Ундан ташқари туғилгандаги камвазглик(25,0%), чақалоқлар асфиксияси(1,4%) ҳолатлари ҳам тез тез кузатилган бўлиб чақалоқларнинг интенсив терапия бўлимларига ётқизирилиши 43%, перинотал ўлим эса 0,35-2,2%ни ташкил этган[6, 9, 10,12].

Ҳозирги кунга қадар олинган маълумотларга (перинотал ўлимнинг ортиши, муддатидан олдинги туғруқлар ва бола ташлаш ҳолатлари ҳамда COVID-19туфайли юзага келган презклампсия ва шошилиш кесар кесиш


операциялари частотасининг юқорилиги) таянган ҳолда янги коронавирус инфекцияси ҳомиланинг перинотал ривожланишига, ҳомиладорликнинг кечишига, ҳамда янги туғилган чақалоқнинг аҳволига салбий таъсири мавжуд деб ҳисоблаймиз.

**Изланишнинг мақсади:** COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларнинг аҳволига боғлиқ ҳолда, янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини таҳлил қилиш

**Материал ва усуллар:** COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёллардан туғилган чақалоқларнинг ҳолатини таҳлил қилиш мақсадида Бухоро вилояти Когон туман тиббиёт бирлашмасига қаршли “COVID госпитали”да COVID-19 билан касалланган ва 2021 йил июл-сентябр ойларида даволанган ҳомиладор аёллардан туғилган 153 нафар чақалоқлар кузатувга олинди. Ушбу беморларнинг касаллик тарихлари таҳлил қилинди.

Статистик таҳлиллар анъанавий математик вариацион қаторлар ва Т студент усулидан фойдаланиб амалга оширилди. Маълумотлар Statistica for Windows дастурида таҳлил қилинди.

**Натижа ва муҳокамалар:** Олинган материалларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, ушбу даврда 153 нафар янги туғилган чақалоқ COVID-19 билан зарарланган онадан туғилганлигини кўрсатди. Улардан 5 нафари вафот этган. Неонатал ўлимнинг сабаблари оғир неонатал асфиксия (1), ҳомила ичи инфекцияси (1) ва морфофункционал етилмаганлик (3).




1 расм. Неонатал ўлимнинг сабаблари 153 нафар тирик туғилган чақалоқларнинг 52 % уғил болалар ва 48 % қиз болалар ташкил қилди. Кузатилган 153 нафар туғруқдан 43 нафари муддатидан олдинги туғруқлар бўлиб, бу 28 %ни ташкил қилади. Бу курсаткич регионнинг ўрта статистик курсаткичларидан 4,2 баробар кўп

эканлиги аниқланди. Шунинг кўрсатиши керакки, кузатувдаги гуруҳда 108 нафари вақтидаги туғруқлар, 2 нафари муддатидан ўтган туғруқлар ҳисобланади.

Қайд этиши жоизки, “COVID госпитал”да кузатув ўтказилаётган даврда янги туғилган чақалоқларнинг 18 фоизи кам вазнли, 72 фоизи нормал вазнли бўлган.

## Апгар шкаласи бўйича




2 расм. COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларни Апгар шкаласи бўйича баҳолаш. Янги туғилган чақалоқларнинг ҳолатини Апгар шкаласи бўйича таҳлил қилганда 86 нафар (56%) янги туғилган чақалоқ асфиксия белгиларисиз, 62 нафар (41%) ўртача оғирликдаги

асфиксия билан туғилган, қолган 5 (3%) нафари оғир асфиксия деб баҳоланган. (2- расм)

Ўрганилган даврда COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган янги туғилган чақалоқларнинг таҳлили куйидагича тақсимланди: 86 нафар (56,2%) янги туғилган чақалоқ соғлом


бўлган, 14 нафар (9,1%) тугруқ асфиксияси ташхиси кўйилган, 26 нафар (17%) морфофункционал етилмаганлик, 18 нафар (11,7%) нафас олиш бузилиш ва 4 нафари (2,6%) ХИИ-туғма

пневмония, 5 нафари (3,2%) янги туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимининг перинатал шикастланиши ташхиси кўйилган. (3-расм).



3. Расм COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган чақалоқлар ташхиси ўрганилган даврда COVID-19 билан касалланган оналарнинг ёшига нисбатан аҳволи таҳлил қилинганда, 30 ёшдан ошган аёлларда касаллик оғир шаклда кечиб, улардан туғилган чақалоқларда кўпинча муддатидан олдин туғилиш кузатилди. Ушбу болаларни туғруқдан кейинги даврда амбулатор кузатув

этирилганда кўйдаги кўрсаткичлар аниқланди. Болаларда кузатилган сариқлик белгисини таҳлил қилганимизда 48% чақалоқларда фақатгина 10 кунгача давом этадиган физиологик сариқлик кузатилди. Чақалоқларнинг қолганларида чўзилувчан сариқлик кузатилиб 38%ида 1 ойгача, 20% болаларда эса 3 ойгача давом этди.



4 расм. Чақалоқларнинг туғруқ муддати ва сариқликнинг давомийлиги Коронавирус инфекцияси билан касалланган оналардан туғилган чақалоқларда кузатилган физиологик ва чўзилувчан сариқликни таҳлил қилганимизда, сариқликнинг муддати ва чақалоқнинг ёши орасида боғлиқлик аниқланди. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг барчасида чўзилувчан сариқлик кузатилда. Ушбу чақалоқларнинг 36%ида сариқлик 1 ойгача қолган 64%ида эса 3 ойгача чузилганлиги аниқланди. Муддатида туғилган чақалоқларнинг 60%ида чўзилувчан сариқлик кузатилгани 4 расмда ўз аксини топган бўлиб, уларнинг аксариятида(38%) сариқлик 1 ойгача, бор йўғи 22% ҳолатда сариқлик 3 ойдан ортиқ давом этгани аниқланди.

**Хулоса:** Шундай қилиб, COVID-19 билан касалланган оналардан туғилган чақалоқлар бўйича статистик ҳамда клиник маълумотларнинг таҳлили, эрта гестацион муддатларда туғилишлар сони кўпайганлигини, бундан ташқари кузатилаётган гуруҳда туғма асфиксия ва морфофункционал етилмаганлик ташхиси кўйилган чақалоқлар сони ошганлигини кўрсатади.

Болаларда кузатилган физиологик ва чўзилувчан сариқликнинг давомийлиги онада коронавирус инфекциясининг кечишининг оғирлик даражаси ва боланинг гестацион ёши билан боғлиқ бўлиб, 30 ёшдан ошган оналардан туғилган чақалоқларнинг аксарияти муддатидан олдин туғилган ҳамда бу болаларнинг барчасида чўзилувчан сариқлик аниқланди.

## References:

1. Breslin N, Baptiste C, Gyamfi-Bannerman C, et al. COVID-19 infection among asymptomatic and symptomatic pregnant women: Two weeks of confirmed presentations to an affiliated pair of New York City hospitals. Am J ObstetGynecol MFM 2020.
2. Capobianco G., Saderi L., Aliberti S., Mondoni M., Piana A., Dessole F., et al. COVID-19 in pregnant women: A systematic review and meta-analysis [published online ahead of print,



2020 Jul 16]. Eur J ObstetGynecolReprod Biol. 2020; S0301-2115(20)30446-2. doi:10.1016/j.ejogrb.2020.07.006

3. Coronavirus (COVID-19) Infection in Pregnancy. Version 12: RCOG, 14.10.2020. 77 p.

4. COVID-19 Краткий технический обзор для служб охраны материнства UFPA2020 май

5. Diriba K, Awulachew E, Getu E. The effect of coronavirus infection (SARS-CoV-2, MERS-CoV, and SARS-CoV) during pregnancy and the possibility of vertical maternal-fetal transmission: a systematic review and meta-analysis. Eur J Med Res. 2020 Sep 4;25(1):39. doi: 10.1186/s40001-020-00439-w. PMID: 32887660; PMCID: PMC7471638.

6. Jafari M, Pormohammad A., Sheikh Neshin S.A., Ghorbani S., Bose D., Alimohammadi S., Basirjafari S., Mohammadi M., Rasmussen-Ivey C., Razizadeh M.H., Nouri-Vaskeh M., Zarei M. Clinical characteristics and outcomes of pregnant women with COVID-19 and comparison with control patients: A systematic review and meta-analysis. Rev Med Virol. 2021 Jan 2:e2208. doi: 10.1002/rmv.2208. Epub ahead of print. PMID: 33387448.

7. Karomatova F.A. Characteristics and immunological status of chronic Jaundice in infants born to mothers who passed Covid-19 // European journal of modern medicine and practice Vol. 2 №4 p.38-41

8. Khamraeva D. R // Functional constipation in children and its neuro-immune feature: Specialissue on COVID-19: Yesterday, Today, and Tomorrow p.243-248

9. Liu D et al. Pregnancy and Perinatal Outcomes of Women With Coronavirus Disease (COVID-19) Pneumonia: A Preliminary Analysis. AJR Am J Roentgenol. 2020 Mar 18:1-6. doi: 10.2214/AJR.20.23072.

10. Sadulloeva I.K. Ashurova N. G. // Clinical and immunological features of congenital heart defects in adolescent girls Europe's Journal of Psychology, 2021, Vol. 17(3), 172-177

11. Sadulloeva I.K. // Functioning of the Immune System in Children, After Surgical Correction of Congenital Heart Defects // European Journal of Life Safety and Stability p.439-446

12. Sadulloeva I.K. // Thymogenic immunocorrection of children with congenital heart defects //Research Jet Journal of Analysis and Inventions Volume 3, Issue 1 Jan., 2022p.34-43

13. Schwartz DA. An Analysis of 38 Pregnant Women with COVID-19, Their Newborn Infants, and Maternal-Fetal Transmission of SARS-CoV-2: Maternal Coronavirus Infections and Pregnancy Outcomes [published online ahead of print, 2020 Mar 17]. Arch Pathol Lab Med. .

14. Белокриницкая Т.Е., Артымук Н.В., Филиппов О.С., Фролова Н.И. Клиническое течение, материнские и перинатальные исходы новой коронавирусной инфекции COVID-19 у беременных Сибири и Дальнего Востока. Акушерство и гинекология. 2021; 2: 48-54.

15. Заплатников А.Л., Османов И.М., Горев В.В., Дмитриев А.В. Миронова А.К., Дементьев А.А., Чабайдзе Ж.Л. РОССИЙСКИЙ ВЕСТНИК ПЕРИНАТОЛОГИИ И ПЕДИАТРИИ, 2020; 65:(3)

16. Саъдуллоева И.К. Состояние тиреоидного статуса у детей с врожденными пороками сердца //Новый день в медицине №4, 2020. - С. 386-388



17. Саъдуллоева И.К., Кароматова Ф.А. Особенности Новорожденных Родившихся От Матерей С Covid-19 //Central Asian Journal of Medical and Natural Science //Special issue on COVID-19: Yesterday, Today, and Tomorrow p.362-366
18. Саъдуллоева И.К., Кароматова Ф.А. Состояние кортикоидного статуса при врожденных пороках сердца у детей //журнал Новый день в медицины № 3(35)2021 С.113-116